(1599-1601-йилларда хукмронлик килган)

Шайбонийлар давлатининг сўнги хукмдори. Абдулмўминнинг амакиси. Дастлаб Балх хокими бўлган. Абдулмўмин ўлдирилгач, Бухоро хонлиги тахтига ўтказилган ва давлатни 1601-йилгача идора этган. Унинг даврида марказий хокимият нихоятда заифлашган. 1601-йили Самарканд хокими Бокимухаммадни пойтахт ихтиёрида тутиш ниятида тахминан 50 минг кўшин билан унга карши чикади. Пирмухаммад Боги шамол атрофида маглубиятга учрайди. Бухоро тахти эса Бокимухаммад кўлига ўтиб у хон деб кўтарилади. Шу тарика шайбонийларнинг бир асрлик хукмронлигига нукта кўйилади. Мамлакат ва давлат тигинини энди янги сулола – “Аштархонийлар” ўз кўлларига оладилар.